



ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ЛОЙИХАСИ КОНЦЕПЦИЯСИ “E-IJOD”

I. Лойиҳанинг тавсифи

Лойиҳанинг номи:	E-ijod — креатив иқтисодиёт (артист/медиа-шахс, кўчар-кўчмас мулк ижараси иштирокчилари ва бошқалар) даромадларини рақамли платформа орқали расмийлаштириш, рақамли реклама маркировкасини жорий қилиш ва солиқ базасига киритиш лойиҳаси.
Тармоқ номи:	Солиқ маъмуриятчилиги / Рақамли иқтисодиёт (ахборот технологиялари)
Лойиҳа тури:	Онлайн-платформа
Хусусий шерик томонидан бажариладиган иш ҳажми:	Онлайн-платформани ишлаб чиқиш, молиялаштириш, фойдаланиш, хизмат кўрсатиш ва қайтариш
Давлат шеригининг номи:	Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси
Масъул вазирлик ёки ижро этувчи орган:	Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси (Ички ишлар органлари — идоралараро ахборот алмашинуви иштирокчиси)
Лойиҳа амалга ошириладиган жой:	Ўзбекистон Республикаси — бутун ҳудуд бўйича

II. Дастлабки танлов натижалари

ДХШ лойиҳасининг дастлабки танлови натижалари ҳақидаги батафсил маълумот ва тасдиқловчи ҳужжатлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 19 майдаги “Солиқ органлари фаолиятини институционал такомиллаштириш ва солиқ маъмуриятчилигига замонавий ёндашувларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-95-сонли Фармонида солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш, текширувдан олдинги таҳлил тизимини ривожлантириш ва

солиқ тўловчиларнинг даромадларидаги номувофиқликларни аниқлаш устувор вазифа этиб белгиланган.

Бугунги кунда креатив соҳа вакиллари — артистлар, хонандалар, блогерлар, медиа-шахслар ва кўчар-кўчмас мулк ижараси иштирокчилари ва бошқаларнинг катта қисми даромадларини норасмий тарзда олиб, солиқ тўламайпти. Бу оддий фуқаролар ва бизнес субъектлари зиммасидаги солиқ юклараси билан таққослаганда адолатсизликни юзага келтиради ҳамда давлат бюджети даромадларининг камайишига сабаб бўлади. Мазкур муаммони ҳал этиш мақсадида давлат-хусусий шериклик асосида онлайн-платформа — E-ijod тизими жорий этилади. Платформа артистлар, хонандалар, блогерлар, медиа-шахслар ва кўчар-кўчмас мулк ижараси иштирокчилари ва бошқаларни рўйхатга олиш, буюртмачилар томонидан хизматни бронлаш, шартнома ва электрон фактурани расмийлаштириш, рақамли реклама маркировкасини жорий қилиш ҳамда солиқни автоматик ҳисоблаш ва тўлашни таъминлайди. Платформадан четда қолган даромадлар фақат қонуний рақамли излар (ОФД ва ЭХФ, эквайринг, маркетплейс ва реклама кабинетлари тўловлари, солиқ органлари билан амалдаги ахборот алмашинуви) асосида аниқланади.

ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун хусусий ташаббускор “ORIENT-IT” МЧЖ креатив соҳа даромадларини шаффофлаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштиришга бўлган эҳтиёжни тўлиқ қондиради. Лойиҳа доирасида хусусий шерик томонидан давлат шериги фойдасига компаниянинг ушбу лойиҳадан оладиган жами тушумининг 5% миқдорида ажратмалар амалга оширилиши назарда тутилган.

III. ДХШ лойиҳасининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари

Кўшимча маълумотлар

1	Лойиҳани баҳолаш ҳужжатлари тайёрланганми?: Ҳа ☒ Йўқ ☐ . Лойиҳани баҳолаш ҳужжати (ЛБХ) илова қилинади.
2	Лойиҳанинг қуйидагилардан бирига киритилганлиги: Инвестиция дастури ☐ Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони ☒ (ПФ-95, 19.05.2026) Вазирлар Маҳкамаси қарори ☐ Бошқа ☐
3	Лойиҳа иқлим ўзгариши бўйича мақсадларга ҳисса қўшадими? Ҳа ☒ Йўқ ☐ — қоғозсиз рақамли ҳужжат айланмаси.
4	БМТ барқарор ривожланиш мақсадлари: Мақсад 16 — Тинчлик, адолат ва кучли институтлар; Мақсад 9 — Индустрия, инновация ва инфратузилма.
5	Иқтисодиёт ва молия вазирлигига бюджет қўллаб-қувватлаши учун тақдим этилганми? Ҳа ☐ Йўқ ☒
6	Хусусий шерикка хизматлар учун ҳақ олишга рухсат берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар зарурати борми? Ҳа ☐ Йўқ ☒
7	Хусусий шерикнинг лойиҳа доирасида кўрсатадиган яқуний хизматлари: — Артистлар, хонандалар, блогерлар, медиа-шахслар ва кўчар-кўчмас мулк ижараси иштирокчилари ҳамда бошқаларнинг ягона рақамли реестрда рўйхатга олиш ва солиқ тўловчи мақоми; — Хизматни бронлаш, шартнома ва электрон фактура / чек шакллантириш; — Солиқни автоматик ҳисоблаш ва тўлаш;

- Рекламали интеграциялар (рилс, сторис, видеоролик, бренд-битим) даромадини ҳисобга олиш;
- ИИ ёрдамида текширувдан олдинги таҳлил ва риск-скоринг;
- Веб ва мобил иловалар (iOS, Android);
- Рақамли реклама маркировкасини жорий қилиш.

(Давлат-хусусий шериклик предмети бўлган объектни бузиш, сотиш, ҳадя қилиш, айирбошлаш, гаровга қўйиш ва ҳар қандай бегоналаштириш ҳолатлари тақиқланади)

8	а) Лойиҳанинг қиймати: 10 822 млн сўм (900 минг АҚШ доллари)	б) Эксплуатация харажатлари: 51 583 млн сўм (≈4 290 минг АҚШ доллари)	в) Умумий харажатлар: 62 405 млн сўм (≈5 190 минг АҚШ доллари)
---	--	---	--

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 26.06.2026 йилдаги расмий курси бўйича 1 АҚШ доллари = 12 024,40 сўм

г) ДХШ битимининг амал қилиш муддати: ☐ <10 ☐ 10–30 ☒ >30 ☐ йил

д) Лойиҳани амалга ошириш муддати: **12 ой**

- 9 а) Лойиҳанинг даромад манбаси: **Фойдаланганлик учун тўлов** ☒ — платформа комиссияси: ижрочидан 2% ва буюртмачи/рекламачидан 1%.
- б) Тўлиқ қувватда йиллик жами платформа даромади ≈ **8 889 млн сўм**. Даромадлар тақсимоти: давлат шеригига комиссия даромадининг 5% миқдорида ажратма.
- в) ДХШ лойиҳасининг ташаббускори: Давлат ☐ **Хусусий ташаббускор** ☒
- г) Бир марталик тўлов: лойиҳа қиймати 1 млн АҚШ долларидан кам бўлганлиги учун бир марталик тўлов мавжуд эмас.

10. Хусусий ва давлат шериги ўртасида хатарларни тақсимлаш:

Хавф ёки хатарлар турлари	Давлат шериги	Умумий	Хусусий шерик	Изоҳ
Лойиҳа ҳужжатини ишлаб чиқиш билан боғлиқ хатарлар			•	
Дизайн ва технологияларнинг эскириш хавфи			•	
Яширин нуқсон хавфи			•	
Ер ажратиш ва кўчириш билан боғлиқ хатарлар	•			
Молиявий хатарлар			•	
Ишлаб чиқиш билан боғлиқ хатар (аниқ бўлмаган)		•		
Ишлаб чиқиш билан боғлиқ хатар (аниқ бўлган)			•	
Ишга тушириш билан боғлиқ хатарлар			•	
Битимдан кейин ўзгаришлар (давлат шериги тарафидан)	•	•		
Битимдан кейин ўзгаришлар (хусусий шерик тарафидан)			•	

Лойиҳа суғуртасига оид хатарлар		•	
Солиқ ва тўлов мақоми билан боғлиқ хатарлар	•		
Тарифлар (комиссия) ўзгаришига боғлиқ хатарлар		•	
Қонунчиликдаги ўзгаришларнинг салбий таъсири	•		
Лицензия, рухсатномалар кечикиши хатарлари	•		
Хусусий шерикка тўловларнинг кечиктирилиши		•	
Давлат шеригига тўловларнинг кечиктирилиши		•	
Сиёсий беқарорлик хатарлари	•		
Маълумотлар хавфсизлиги ва киберхавфсизлик		•	
Мулкни реквизиция қилиш	•		
Операцион хатарлар		•	
Экологик/ижтимоий хатар		•	
Талаб (фойдаланувчилар фаоллиги) билан боғлиқ хатарлар		•	
Самарадорлик кўрсаткичларини бажариш хатарлари		•	
Бошқалар	•		

11 Хусусий шерик ҳақида маълумот:

- а) хусусий ташаббускор номи: **“ORIENT-IT” МЧЖ**
- б) рўйхатдан ўтган давлат: **Ўзбекистон Республикаси**
- в) эгалари (5% дан кўп улуш): **AZIMOVA NIGORA SHARASULOVNA — 100%**
- г) боғланиш учун маълумот: **Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Файзиобод маҳалласи, Файзиобод МФЙ, Файзабад кўчаси, 43-уй**
- д) бизнеснинг қисқача мазмуни: **Ахборот технологиялари, рақамли платформаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш**
- е) шу соҳадаги тажриба: **Рақамли тизимлар ва давлат органлари учун ечимларни жорий этиш бўйича амалий тажриба; лойиҳаларни бошқариш ва жараёнларни рақамлаштириш.**
- ё) сўнгги уч молиявий йил кўрсаткичлари: **29 361 675 млн сўм айланма ҳамда 26 974,47 млн сўм соф фойда кўрилган**
- з) банкротлик босқичида эмаслиги: **Тасдиқловчи ҳужжатлар (низом, ҳисоботлар) илова қилинади**

12. Ҳар бир босқич учун режалаштирилган сана:

Босқич	Сана
а) ДХШ лойиҳаси концепциясини тасдиқлаш	2026 йил III чорак
б) Лойиҳа олди ҳужжатларни ишлаб чиқиш	2026 йил III чорак
в) Дастлабки малакани аниқлаш (RFQ)	Заруратга кўра
г) Ғолибни саралаш (RFP)	Заруратга кўра
д) Музокаралар ва ДХШ битимини имзолаш	2026 йил IV чорак
е) Махсус лойиҳа компаниясини (SPV) ташкил этиш	Заруратга кўра
ё) Молиявий яқунлаш ва ишга тушириш	Битим имзолангандан сўнг, 2027 йил

- 13 Жорий ҳолатда аҳолидан ва/ёки давлат бюджетидан мазкур хизматга ажратиладиган маблағ: **бюджет маблағи кўзда тутилмаган**
- 14 Лойиҳа давлат томонидан амалга оширилганда бюджетдан кутилган тахминий маблағ (капитал ва бошқарув харажатлари): **30 йилда тахминан 62 405 млн сўм ажратилган бўлар эди. ДХШ механизми орқали бу маблағ бюджетдан талаб қилинмайди.**
- 15 ДХШ механизмининг афзаллиги: хусусий ташаббускор барча харажатларни ўзи қоплаганлиги сабабли лойиҳа битими тарафлар манфаатларига мос келади ва бюджетга юклама туширмайди.
- 16 Лойиҳа иқтисодий, ижтимоий вазифаларни ҳал этишга қаратилганми? **Ҳа ☒ Йўқ ☐** — креатив соҳани шаффофлаштириш, солиқ базасини кенгайтириш, солиқ юкламасининг адолатли тақсимланиши ва солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш.
- 17 Фаолият давлат органи томонидан амалга ошириладими? **Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси томонидан амалга оширилади.**
- 18 Лойиҳа инновацион ёндашувни ўз ичига оладими? **Ҳа ☒ Йўқ ☐** — рақамли платформа, смартфон иловалари, ИИ-таҳлил орқали амалга оширилади.
- 19 ДХШ объектига мулк ҳуқуқи давлат шеригига тегишлими? **Ҳа ☐ Йўқ ☒** — Битим муддати тугагандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитасига тегишли.
- 20 Лойиҳа учун хусусий сектор сармояси жалб қилиняптими? **Ҳа ☒ Йўқ ☐** — хусусий шерик томонидан 10 822 млн сўм инвестиция киритилади ва илғор тажрибали мутахассислар жалб қилинади.
- 21 Лойиҳа хорижий ёки маҳаллий тажрибага асосланадими? **Ҳа ☒ Йўқ ☐** — илғор халқаро ва маҳаллий тажриба қўлланилади.
- 22 Илғор бошқарув тажрибасини жорий этиш назарда тутилганми? **Ҳа ☒ Йўқ ☐**
- 23 Лойиҳа томонлар учун мутаносиб фойдани таъминлайдими? **Ҳа ☒ Йўқ ☐** — лойиҳа 4-йилдан соф фойда кўрсатади ва 10-йилда (2036 й.) ўзини тўлиқ қоплайди.
- 24 Лойиҳа учун ер участкасига зарурат борми? **Ҳа ☐ Йўқ ☒**
- 25 а) Ижтимоий муаммолар келиб чиқиш эҳтимоли? **Ҳа ☐ Йўқ ☒** б) Экологик муаммолар эҳтимоли? **Ҳа ☐ Йўқ ☒**

- 26 Давлат шериги томонидан (лойиҳа доирасидан ташқари) зарур қўшимча иш ҳажми: мазкур лойиҳа бўйича инфратузилма хусусий шерик томонидан таъминланади.
- 27 Манфаатдор томонлар: Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси, креатив соҳа вакиллари (артистлар, медиа-шахслар, кўчар-кўчмас мулк ижараси иштирокчилари), буюртмачилар, Ички ишлар органлари (идоралараро алмашинув).
- 28 Ғолиб иштирокчи Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тўлайдиган бир марталик комиссия: лойиҳа қиймати 1 млн АҚШ долларидан кам бўлганлиги учун қўлланилмайди.
- 29 Давлат шериги томонидан лойиҳани амалга ошириш учун масъул шахс ҳақида маълумот:

Масъул этиб тайинланган шахс	
Ф.И.О.:	Кумаков Ислон Хамзаевич
Лавозими:	Солиқ қўмитаси Иқтисодий таҳлил ва яширин иқтисодиёт мониторинги бошқармаси бошлиғи
Тел.:	+99871-244-98-68
Электрон почта манзили:	Islom.kumakov@soliq.uz

